

**Тошкент фармацевтика институти Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича
проректори томонидан 2021/2022-ўқув йили давомида амалга оширилган
ишлар тўғрисида
ҲИСОБОТ**

2021/2022-ўқув давомида институтда бир қанча кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.
Шу жумладан;

2021/2022-ўқув йили:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан институт девон хонасига келиб тушган хат, буйруқ, ҳайъат қарорлари ижроси ўз вақтида таъминланиб келмоқда. Ҳозир кунда барча олий таълим муассасаларида ташкил этилган модуле "mf.ijro.uz" ягона идоралараро асосида ижро интизомининг электрон тизими "ijro.gov.uz"да юқори турувчи ташкилотлардан келиб тушган электрон ҳужжат ижросини ўз вақтида таъминланмоқда. Ушбу тизим статистикаси шуни кўрсатадики шу кунгача 86.7% ишлар ўз вақтида амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021-йил 30-декабр кундаги “Вазирликнинг 2021-йил 28 декабрдаги 8-сон кенгайтирилган Ҳайъат мажлисида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш тоғрисида”ги 545-сонли буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2021 йил 28-декабрдаги 8-сон кенгайтирилган мажлисида қўрилган масалалар юзасидан қабул қилинган Ҳайъат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг 2022-йил 14-январ кундаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йилнинг 31-декабр кундаги “Вазирликнинг 2021 йил 28-декабрдаги 8-сонли кенгайтирилган Ҳайъат мажлисида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш тоғрисида”ги 545-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш тоғрисида”ги 19-сонли буйруғи имзоланди. 8/1-8/2-8/3-8/4-8/5-8/6-8/7-сонли Ҳайъат қарорлар ижроси белгиланган маъмурий ҳужжатлар, Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори томонидан тасдиқланган чора-тадбир режасига мувофиқ ижроси таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60 ҳамда 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61 сонли Қарорлари ижроси бўйича Тошкент фармацевтика институти Кузатув кенгаши ташкил этилди. Тошкент фармацевтика институти Кузатув кенгашининг 2022-йил 26-январда бўлиб ўтадиган 1-сон йиғилишида бир қанча муҳим масалалар кўриб чиқилиб тасдиқдан ўтди.

Қуйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60 ҳамда 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61 сонли Қарорлари тўғрисида;

2. Тошкент фармацевтика институти Кузатув кенгаши таркиби билан таништириш ва Низомини муҳокама қилиш ҳамда тасдиқлашга тавсия этиш;

3. Тошкент фармацевтика институтида фармацевт кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида, меъёрий ҳужжатларнинг муҳокамаси;

4. “Тошкент фармацевтика институтида кредит-модул тизимига асосланган таълимни ташкил этиш бўйича Низом” лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш тўғрисида;

5. Тошкент Фармацевтика институтининг талабаларига стипендиялар тайинлаш, тўлаш ва талабалар жамғармасини шакллантириш тўғрисидаги Низом муҳокама қилиш ва тасдиқлаш тўғрисида;

6. Тошкент Фармацевтика институтининг профессор-ўқитувчилари, бошқа тоифадаги ходимлари ва талабаларни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом муҳокама қилиш ва тасдиқлаш тўғрисида;

Тошкент фармацевтика институти Кузатув кенгаши раиси ҳамда аъзолари томонидан бир овоздан мақулаиб 1-сон йиғилиш баённомаси асосида маъмурий ҳужжатлар тасдиқланди ва ишда қўлаш учун тақдим этилди.

Институт Марказий Услубий Кенгашининг 2022-йил 28-январ кунидаги 6-сонли кенгаш баённомаси асосида 8 та услубий қўланма тасдиқдан ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6-майдаги ПҚ-4310-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Тошкент фармацевтика институтида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотларни кафедралар томонидан берилган маълумотларга асосан ҳар ой (PDF, Word) вариантида тақдим этиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Очиқ мулоқоти”ни сифатли ташкил этиш мақсадида салл-марказ фаолиятини йўлга қўйиш масалалари тўғрисида”ги 294-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев, Ёшлар масалалари маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректор И.Р.Сағатов, Ўқув-услубий бўлими бошлиғи Н.А.Абзалова, Академик лицей ва техникумларга методик ёрдам бериш сектори бош мутахассис И.А.Чориеваларга белгиланган вақтларда бориб “call-markaz” ўзига бириктирилган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажаришда ва уларга рағбатлантириш берилди.

Институт Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректорининг 2022-йил 14-феврал кунидаги “Ўқув, ўқув-услубий, ташкилий ишларни ҳафталик мониторингини ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши имзоланди. Ушбу фармойиш асосида ҳар ҳафтанинг шанба куни мутасадди раҳбарлар ўртасида йиғилиш ўтказилмоқда. Йиғилишда ўқув тизимига тегишли барча масалалар кўриб чиқилади. Масалан;

- талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг кундалик давомати;
- ўқув ва тарбиявий ишларга боғлиқ барча масалалар;

- Институтнинг тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар тўлов-контракт шартнома шартларини бажариши ва талабаларнинг тўлов-контракт тўловларини амалга ошириши бўйича масъул ходимлар тақдим этган маълумотлар асосида камчиликлар, қўшимча таклифлар инobatта олган ҳолда ўқув тизимида янгиликлар яратиш талабаларнинг ўқишга, ўз касбига бўлган кизиқишини ошириш ишлари амалга оширилмоқда.

Институтда жорий қилинган NEMIS платформаси ва кредит-модул тизими бўйича талаба ва профессор-ўқитувчилар ўртасида бир қанча тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Электрон дарс жадвалини шакллантириш, талабаларнинг мустақил ишини топшириш бўйича низоми ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Электрон дарс жадвал “**ASc Time Tables**” платформаси 99\$ қийматга эга бошланғич тизимларга мослашган дастур харид қилинди ва бу дастур устида Рақамли таълим технологиялари маркази бошлиғи Ф.Қаршибоев ишламоқда.

2022/2023-ўқув йилда бакалавияр ва магистратура мутахассислик йўналишлари учун янги яъналиш очиш режалаштирилган. Институт кенгашига низомлар, ўқув дастур, ўқув услубий қўлланмалар тақдим этилган.

Институтнинг “Фармацевт кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш” факултетининг янги очилган Биотехнология ва Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти йўналишларини битирган талабалар учун 1 йилик қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди.

“Фармацевтика иктисодиёти” – жами 25 нафар, жумладан 10 нафар грант, 5 нафар тўлов-контракт, 10 нафар табақалаштирилган тўлов-контракт;

“Фармацевтик логистика” – жами 25 нафар, жумладан 10 нафар грант, 5 нафар тўлов-контракт, 10 нафар табақалаштирилган тўлов-контракт асосида абитуриентларни квота бўйича қабул қилишимиз мумкин.

Магистратура мутахассислиги бўйича “Дори воситаларини тадқиқ этиш” номли янги мутахассислик очилиши ражалаштирилган.

Янги таълим йўналишларини очиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 24-декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сонли қарори 1-банд б-қисми 4-хат бошиси “меҳнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш, амалдаги таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларни тугатиш” асос бўлади.

Институт Марказий Услубий Кенгашининг 2022-йил 21-феврал кунидаги 7-сонли кенгаш баённомаси асосида 11 та услубий қўланма, ўқув дастурлари тасдиқдан ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий тиббий ва фармацевтик таълим трансформацияси тўғрисида”ги Қарори лойиҳасига Тошкент фармасевтика институтининг таклифлар ҳамда 15 та олий таълим муассасаси мисолида талабаларни бўш вақтида банд қилиш тизими тўғрисида маълумотлар институт масъул ходимларидан таклифлар йиғиб кўриб чиқиб энг яхши долзарб муаммо ва таклифлар вазирликга тақдим этилди. Институтимизга бириктирилган Сиёб Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми, Пахтачи Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми, Қарши Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми, Зомин кўп тармоқли техникумларда талабаларни ўқишини кўчириш бўйича жами 16 та муражаат келиб тушган бўлиб шундан 12 таси ўқишини кўчиришга рухсат этилди.

Техникум талабаларининг ўқишини кўчириш бўйича берилган барча ҳужжатлари қориб чиқилди ва Институт Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори З.А.Юлдашевнинг ҳулосаси ва хати вазирлик томонидан тақдим этилган хат ижросини таъминлашда амалий ёрдам берилди.

Ҳаммага маълум Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022-йил 18-март куни “Тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот” ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот” ўтказиш учун ташкилий ишларда Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев бошчилигида институти ходимлари (Хайитбоев Жасур, Абдуллаев Сирожидин, Тугалов Ахмад, Бўриев Акбар, Жалилов Ўткир, Тағбаев Амирбек, Раҳмонов Эркин, Қаюмов Феруз, Низомов Аскар)лар ситқидилдан кўмаклашганликлари учун маддий рағбатлантириш берилди.

Ушбу мулоқотда институт томонидан ходимларимиз қатнашишди. Очик мулоқотда жуда кўп ва жуда катта муаммо ва таклифлар муҳокама қилинди.

Ноябр ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Шавкат Мирзиёев олимлар, шифокорлар, фармацевтлар, ҳамширалар ва тизим ходимлари билан очик мулоқот ўтказишини маълум қилди. Вазирлик тиббиёт соҳасини ривожлантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни камчиликларни ижобий ҳал қилиш мақсадида махсус Салл-марказни ишга туширди. Мурожаатларнинг аксарияти Салл-марказга бириктирилган мутасаддилар томонидан ҳал қилиниб, бир қисми олимлар, шифокорлар, фармацевтлар, ҳамширалар ва тизим ходимлари билан бўладиган очик мулоқотда президентга тўғридан-тўғри етказилиши айтилганди.

Институт ректорининг 2022-йил 26-март кунидаги 156-сонли буйруғига мувофиқ институтда мактаблар, касб-ҳунар коллежлар, академик лицейлар ва техникум битирувчилари учун “Очик эшиклар куни” ўтказилмоқда. “Очик эшиклар куни”ни ўтказишдан мақсад институтимизга бўлган қизиқиш ва талабни ошириш учун ҳар йили ташкил этилади. Бу кун институтда мавжуд барча шарт-шароитлар ҳақида келажакда мукамал касб эгаси бўлиши тўғри касб танлаш ўзи қизиққан соҳада иш олиб бориш учун барча шароитлар яратилганлигини кўрсатиш.

Институт Марказий Услубий Кенгашининг 2022-йил 28-март кунидаги 8-сонли кенгаш баённомаси асосида 7 та услубий қўланма тасдиқдан ўтди. Институтнинг “Фармацевт кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш” факултетининг янги очилган Биотехнология ва Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти йўналишларини битирган талабалар учун 1 йилик қайта тайёрлаш курслари учун 38 та ўқув дастурлар, ўқув услубий қўланмалар тасдиқланди.

Институт талабалари томонидан ишлаш учун кўрсатилган 654 та мурожаатлари кўриб чиқиб институт ҳудудида Проректорлар, Факултетлар деканлари, Талабалар амалиёти ва маркетинг бўлими ходимлари, Бандликга кўмаклашиш маркази, Миробод туман ҳокимияти, бир нечта ташкилотлардан келиб талабалар билан суҳбат ўтказиб 50 дан ортиқ талабалар ўзига мақул келган иш билан таъминланди. Қолган ишлаш таклифини билдирган талабалар аста-секин иш билан таъминланмоқда.

Вазирлик томонидан ташкил этилган зоом ва Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида бўлиб ўтадиган видео селестор йиғилишларда қатнашилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан келиб тушган тезроқ маълумот, статистик маълумотлар сўралган жойга ўз вақтида (пдф, ворд, эксел) вариантда тақдим этиб борилмоқда. ТТРМ дан келган хатлар талабалар контингенти бўйича маълумотлар тасдиқланган ҳолда тақдим этилди.

Институт ректорининг 2022-йил 20-май кундаги “2022-2023 ўқув йили қабул жараёнларини ташкил этиш тўғрисида”ги 345-сонли буйруғига мувофиқ институтда 2022-2023-янги ўқув йилига қабул жараёнларни жорий йилнинг 20-июн кунидан бошлаб 20-июл кунига қадар қабул жараёнлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60 ҳамда 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61 сонли Қарорлари асосан Тошкент фармацевтика институтига молиявий мустақиллик берилганлиги муносабати билан Тошкент фармацевтика институти кузатув кенгаши раиси томонидан бакалаврият таълим йўналишлари- жами: 450 та шундан давлат гранти-130, тўлов-контракт-320та ва магистратура мутахассисликлари бўйича жами: 30 та шундан давлат гранти-26 та, тўлов-контракт-4 та қабул квоталари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 6-сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 11-январдаги “Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 17-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда институтга 2022-2023 ўқув йилида иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш ва ўқишга қабул қилиш жараёнини уюшқоқлик ва тартибли равишда ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича проректор



З.А.Юлдашев